

**“БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ” МЕЗОНЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Нурматов Шерзод Рустамович-

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Бозор механизмини ривожлантиришда энг самарали воситалардан бири хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини пасайтиришга йўналтирилган солиқ имтиёзлари тизими бўлиб, бунинг учун солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, унга таъсир этадиган салбий ички ва ташқи омилларни минималлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорлар фаолиятини баҳолаб боровчи, уларга ўзига хос енгиллик ва устунликлар берувчи барқарорлик рейтингини жорий этилди [1].

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги Қарори билан “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди [2].

Рейтингни баҳолаш методикаси учта тоифа мезонларга бўлинади – умумий, пасайтирувчи ва рағбатлантирувчи.

Умумий мезонлар

№	Мезон	Баллар
1	Компания рўйхатдан ўтган санадан бошлаб ишлаш муддати (бекор туриб қолиш вақти ҳисобга олинмайди)	Ҳар бир йил учун 2 балл (5 йил ва ундан кўпроқ – 10 балл)
2	ЕБИТДА бўйича рентабеллик даражаси (фоизлар, солиқлар, эскириш ва амортизация)	25–50 % – плюс 2; 50–70 % – плюс 5; 70 % дан кўпроқ – плюс 10

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

	чегирмасидан олдинги фойда), ҳисобот халқаро стандартлар бўйича ҳисобга олинади	
3	Кўчмас мулк объектлари ёки ер участкаларининг мавжудлиги, фойдаланиладиган ер участкалари (шу жумладан узоқ муддатли ижарадаги қишлоқ хўжалиги ерлари), шунингдек мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқидаги кўчмас мулк	ижарада – плюс 7; мулкида – плюс 10. агар мавжуд бўлмаса, шунингдек тадбиркор кўрсатилган манзилда ҳаракат қилмаса – минус 5
4	Битта ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидаги улушнинг соҳа бўйича ўртача кўрсаткичига нисбати	камида 25 % – плюс 2; 25–50 % – плюс 4; 50–75 % – плюс 6; 75–99 % – плюс 8; 100 % ва кўпроқ – плюс 10, агар иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлса, у ҳолда – минус 5 балл
5	Солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим қилиш	Ўз вақтида – плюс 10; агар кечикиш билан ёки умуман тақдим қилинмаса – плюс 0
6	Ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўлаш (ҳар бир ой кесимида)	Ўз вақтида – плюс 10; агар кечикиш билан ёки умуман тўланмаса – 0
7	Тўлов ёки инкассо топшириқномаси асосида ҳисобланган солиқларни тўлаш	плюс 10 (агар инкассо орқали бўлса, унда рейтинг 5 баллага камаяди)

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

8	<p>Белгиланган муддатларда (сумманинг ЭХФ айланмасига нисбати) товарларни етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш учун электрон ҳисобварақ-фактурани (ЭХФ) расмийлаштириш</p>	<p>камида 25 % – плюс 1; 25–50 % – плюс 2; 50–75 % – плюс 5; 75–99 % – плюс 7; 100 % – плюс 10</p>
9	<p>Ўша йили ЭХФ бўйича сотиб олинган товарлар ёки хом ашёни (шу жумладан импорт қилинганларни) реализация қилиш (экспорт қилиш); товарлар ва хом ашёни сотиб олиш ва сотиш нисбати</p>	<p>50–70 % – плюс 5; 70 %дан кўпроқ – плюс 10; агар сотиб олинган товар ва хом ашёларнинг 70 %и қолдиқда сақланса, у ҳолда минус 5</p>
10	<p>Солиқ органларининг аввалдан текшириш таҳлили пайтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш</p>	<p>Хатоларни ихтиёрий тарзда бартараф этиш – плюс 7; камчиликлар йўқ – плюс 10; тузатилмаган ёки камчиликлар ҳақида изох йўқ – минус 5</p>

Пасайтирувчи мезонлар

№	Мезон	Баллар
1	<p>Охирги 12 ой ичида компаниянинг иш жойини (почта манзилини) уч ёки ундан кўп марта ўзгартириш</p>	минус 5

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

2	Сўнги 12 ой ичида компания раҳбарининг уч ёки ундан кўп марта алмашиши	минус 5
3	Сўнги 3 йил ичида компания раҳбари ёки таъсисчисининг судланганлиги ёки банкротлиги	минус 5
4	Илгари тақдим қилинган солиқ ҳисоботига тузатиш киритиш	Тузатиш учун минус 1 балл (максимум 5)
5	ҚҚС тўловчиси гувоҳномасининг тўхтатилиши ёки бекор қилиниши	минус 10
6	Мол-мулк ҳисобига солиқ қарздорлигини ундириш (жарима тўлов қилингандан кейин ечилади)	минус 5
7	Солиқлар билан боғлиқ қонунбузилишлар учун жавобгарликка тортиш	маъмурий – минус 2; жиной – минус 5
8	МХИКдан нотўғри фойдаланиш (ойига камида 2 марта)	минус 5
9	Кредиторлик қарзларини ундириш бўйича суд жараёни (12 ой ичида икки ёки ундан ортиқ марта)	минус 10

Рағбатлантирувчи мезонлар

№	Мезон	Баллар
1	Ходимлар орасида эҳтиёжманд шахслар улуши (Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида, «темир», «аёллар», «ёшлар» дафтарларида), шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар	10–20 % – плюс 5; 20 % дан кўпроқ – плюс 10

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

2	МХТЭКМдан юқори иш ҳақи оладиган ходимлар сонининг йиллик ўсиши (янги компаниялар учун ўсиш суръати ўтган ойга нисбатан иккинчи ойдан ҳисобланади)	1–10 % – плюс 2; 10–20 % – плюс 4; 20–30 % – плюс 6; 30–40 % – плюс 8; 40–50% – плюс 10; 50%дан ортиқ – плюс 15
3	Агар тўланган ҚҚС суммаси соҳанинг ўртача кўрсаткичидан 1,1 баравар юқори бўлса ёки экспорт даромадлари умумий даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этса (ҚҚС тўловчилари учун – ойига БҲМнинг камида 10 баравари миқдорида)	плюс 10
4	агар айланмадан тўланган солиқ суммаси соҳа бўйича ўртача кўрсаткичдан 1,1 баравар юқори бўлса ёки экспорт даромадлари умумий даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этса (ҚҚС тўловчилари учун – ойига БҲМнинг камида 10 баравари миқдорида, айланмадан солиқ тўловчилар учун ойига БҲМнинг камида 1 баравари миқдорида)	плюс 10

Рейтинг автоматик тарзда (онлайн) Солиқ қўмитасининг электрон платформасида шакллантирилади. Тадбиркор тўплаши мумкин бўлган максимал баллар сони – 100. Баҳолаш тадбиркорлик субъектининг

қонунчилик талабларига қандай риоя қилаётгани ҳақидаги маълумотларга асосланади. Ушбу маълумот идоралараро маълумотлар алмашинуви орқали платформага узатилади.

Баҳолашда кўп нарса бухгалтернинг профессионаллигига боғлиқ. Солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва ихтиёрий равишда бажариш рейтингда юқори баҳони олишга ёрдам беради.

Юқорида келтирилган жадвалларда 3 та мезонлардаги ҳар бир ҳолат бўйича қанчадан балл берилиши, қайси ҳолларда қўшимча баллар қўшилиши ва қайси ҳолларда баллар пасайтирилиши кўриб мумкин. Бу мезонлардан тадбиркорлик субъектлари тўғри фойдаланган ҳолда кўплаб солиқ имтиёзлари ва енгиллакларидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Мезонларга эътибор бериладиган бўлса, тадбиркорлар учун жудаям мураккаб бўлган ҳолатлар деярли мавжуд эмас. Уларнинг ҳаммаси уларнинг шундоқ ҳам кундалик амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларидан иборат. Бу орқали тадбиркорлик субъектлари ўзларини амалга ошириши лозим бўлган ишларини ҳам бажарадилар, ҳам мезонлардан унумли ва тўғри фойдаланган ҳолда қўшича имтиёзларга эга бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Барқарорлик рейтинги тўғри ва ҳалол фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаб, уларга рағбатлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-39-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.